



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВАЛЮТА СИЁСАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Юсупов Азиз

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази
ORCID: 0009-0007-0890-1347

aziz_1111@inbox.ru

Аннотация. Ушбу мақолада тижорат банклари валюта сиёсатини такомиллаштириш орқали банк операцияларини ривожлантириш, ижтимоий ва иқтисодий шароитларга доимий мослашиш, банк фаолияти учун янги стратегия ва воситаларни ишлаб чиқиш, банklar рискларини самарали бошқариш, муаммоли жараёнларни камайтириш орқали банklar валюта операцияларини ривожлантириш каби бир қанча омилларга боғлиқлиги келтириб ўтилган. Шунингдек, бугунги кунда тижорат банklarининг фаолиятини ривожлантиришнинг долзарблиги шубҳасиздир, чунки мамлакат бутун молия тизимининг муваффақиятли ишлаши унга боғлиқлиги банklarда молиявий қарорлар қабул қилиш ва муаммоли жараёнларни камайтиришдаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллиф ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар: валюта сиёсати, валюта рисклари, валюта, банк фаолияти, банklarнинг валюта операциялари, молиявий қарорлар, молиявий активлар, дебиторлик, кредиторлик, номолиявий активлар, реал активлар, пул маблағлари, банkning молиявий стратегияси, банkning молиявий хавфсизлиги.

ПУТИ РАЗРАБОТКИ ВАЛЮТНОЙ ПОЛИТИКИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Юсупов Азиз

Научно-исследовательский центр
«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»
при Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В данной статье приводится тот факт, что коммерческие банки зависят от нескольких факторов, таких как развитие банковских операций за счет совершенствования валютной политики, постоянная адаптация к социально-экономическим условиям, разработка новых стратегий и инструментов банковской деятельности, эффективное управление банковскими рисками, развитие банковских валютных операций за счет снижения проблемные процессы. Также на сегодняшний день актуальность развития деятельности коммерческих банков неоспорима, поскольку от этого зависит успешное функционирование всей финансовой системы страны, учитывая существующие проблемы при принятии финансовых решений в банках и сокращении проблемных процессов, а также авторские подходы и предложения по их устранению.

Ключевые слова: валютная политика, валютные риски, валюта, банковское дело, валютные операции банков, финансовые решения, финансовые активы, дебиторская задолженность, кредитование, нефинансовые активы, реальные активы, денежные средства, финансовая стратегия банка, финансовая безопасность банка.

WAYS OF DEVELOPING MONETARY POLICY BY COMMERCIAL BANKS

Yusupov Aziz

Scientific Research Center "Scientific Foundations and Problems
of the Development of the Economy of Uzbekistan"
under Tashkent State University of Economics

Abstract. This article highlights the fact that commercial banks depend on several factors, such as the development of banking operations by improving monetary policy, constant adaptation to socio-economic conditions, the development of new strategies and tools for banking activities, effective management of banking risks, and the development of banking currency operations by reducing problematic processes. Also, today, the relevance of the development of commercial banks is indisputable, since the successful functioning of the entire financial system of the country depends on it, taking into account the existing problems in making financial decisions in banks and reducing problematic processes, as well as the author's approaches and suggestions for their elimination.

Keywords: currency policy, currency risks, currency, banking, foreign exchange transactions of banks, financial solutions, financial assets, accounts receivable, lending, non-financial assets, real assets, cash, financial strategy of the bank, financial security of the bank.

Кириш.

Макроиктисодиётнинг бозор механизмлари, воситалари ва тамойиллари тўлиқ шакллантирилмас ҳамда мувофиқлаштирилмас экан, иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлаш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Демак, валюта сиёсати ва макроиктисодиёт ўртасидаги алоқадорликни таъминлашга хизмат қилувчи барча методологик асослар бозор механизмлари сари такомиллашиши зарур.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 май куни қабул қилинган "2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги ПФ-5992-сонли Фармонида (2020), "банк соҳасидаги ҳозирги ҳолат таҳлили банк секторида давлатнинг юқори даражадаги аралашуви, давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги, иқтисодиётда молиявий воситачиликнинг паст даражаси каби банк секторини иқтисодий янгиланишлар ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар" мавжудлиги кўрсатиб ўтилди (ПФ-5992-сонли Фармони, 2020).

Шунингдек, 2023 йил 11 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Стратегияда Банк тизимида ислохотларни жадаллаштириш, банк хизматлари бозори ҳажмини ошириш ва соҳада рақобатни ривожлантириш, Банк ва молия тизимида йиллик кредитлаш ҳажмини 40 миллиард долларга етказиш, банк омонатлари ҳажмини 4 баробарга ошириш белгиланган. Банк хизматларини ривожлантиришда ҳамда кредитлаш ҳажмини оширишда банк ресурсларини шакллантириш ҳамда валюта операцияларини такомиллаштириш лозим. Мавжуд муаммоларни тизимли тарзда ечиш учун шу борадаги ахборотларни халқаро стандартлар ва хорижий амалиётнинг ижобий тажрибалари даражасида шакллантириш зарурияти мавзуни кенг тадқиқ этишни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси валюта сиёсатининг макроиктисодиёт билан ўзаро алоқалари тарихан қисқа вақт ичида ўзига хос шаклланиш ва такомиллашиш босқичига эга бўлсада, улар ўртасида муайян даражада тизимли алоқалар ўрнатилган холос. Ушбу тизим микро ва макро даражадаги иқтисодий механизмлар ҳамда уларнинг таъсир воситалари орқали тартибга солинади ва мувозанатга келтирилади.

Ҳеч қайси бир ҳолатда муайян сектордаги ислоҳотлар якка тартибда умумий макроиқтисодий мувозанатни таъминлай олмайди. Макроиқтисодий мувозанатга эришиш фақат ушбу тўртта сектор ўртасидаги ўзаро алоқа боғланишлар таъсирида таъминланиши мумкин.

Адабиётлар шарҳи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрь «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли Фармонининг қабул қилиниши амалдаги валютани тартибга солиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, валюта сиёсатини либераллаштириш, барча тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар яратишга қаратилган эди (ПФ-5177-сонли Фармони, 2017). Мамлакатимизда 2017 йил бошланган банк секторини ислоҳ қилишнинг фаол босқичи валюта бозорини либераллаштиришга улкан ҳисса қўшди. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрда «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ЎРҚ-573-сон Қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши муносабати билан валюта операцияларининг амалиётдаги мавжуд турлари қамраб олинди ҳамда қонунчиликдаги нормалар максимал даражада қисқартирилди (ЎРҚ-573-сон Қонунни, 2019).

Иқтисодий адабиётларда айнан валюта сиёсатининг мазмун ва моҳиятини очиб берувчи илмий тушунча ва қарашлар мавжуд. Жумладан, Австриялик етук иқтисодчи олим Machlup (2001) ўзининг «Валюта курси назарияси» деб номланган илмий тадқиқот ишида валюта бозорида талаб ва таклиф мувозанати, унга таъсир этувчи омиллар, экспорт ва импорт эластиклиги, капиталлар ҳаракати ва трансфертлар, олтин стандарт тизими, унинг сабаб ва оқибатлари, хусусий сектор фаолиятининг валюта бозорига таъсири, валюта арбитражи каби фундаментал масалаларни чуқур ва атрофлича очиб берган (Фриц Махлуп, 2001).

Ачкасов ва Прексинлар (1988) бу борада қуйидагича фикрдалар: «Халқаро валюта ва кредит муносабатлари суверен мамлакатлар ўртасидаги ўзаро савдо, ишлаб чиқариш, фан-техника, сиёсат, маданият ва бошқа соҳаларда юз берадиган алоқаларнинг шаклланиши ва ривожланишини ифодаловчи комплекс муносабатлар тизимидир» (Ачкасов, Прексин, 1988).

Проф. Жумаев (2007) «Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш» деб номланган монографиясида валюта муносабатларининг методологик жиҳатлари ва у билан боғлиқ назарий қарашларни ўрганган (Жумаев, 2007).

Проф. Расулов (2007) ўзининг «Валюта муносабатларининг назарий асослари» деб номланган монографиясида ҳам асосий эътибор валюта муносабатларининг назарий ва услубий жиҳатларига қаратилган (Расулов, 2007).

Доц. Ражаббаев (2008) ўзининг «Ўзбекистон валюта сиёсатининг хорижий инвестицияларни жалб этишга таъсири» мавзусидаги номзодлик диссертацияси авторефератида валюта сиёсати механизмининг назарий жиҳатларини ўрганган (Ражаббаев, 2008).

Доц. Хошимов (2009) «Ўзбекистон Республикасида валюта бозорини эркинлаштириш йўллари» мавзусида олиб борган тадқиқот ишида валюта бозори тушунчасига оид назарий қарашларни тадқиқ этган (Хошимов, 2009).

Доц. Ибрагимов (2010) «Дилинг операцияларини амалга оширишда валюта рискларини баҳолашни такомиллаштириш масалалари» мавзусида олиб борган номзодлик диссертацияси ишида валюта дилинги тушунчаси ва у билан боғлиқ назарий қарашларни тадқиқ этган (Ибрагимов, 2010).

Юқорида қайд қилинган хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, валюта сиёсати ёки

муносабатларига бағишланган кўплаб масалалар аксарият ҳолларда унинг муайян назарий йўналишларини, хусусан, валюта курси, валюта бозори, валюта тизими, валюта муносабатлари, валюта операциялари каби йўналишларини тадқиқ этишга қаратилган.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолани тайёрлашда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, ундаги иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлил қилинган. Мавзунинг ўрганиш давомида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда тизимли таҳлил, умумлаштириш, абстракт-мантиқий фикрлаш, статистик усуллари билан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Марказий банк бошқарувининг “Банкларга ўрнатиладиган макропруденциал нормативлар ҳамда улар томонидан бериладиган кредитлар (микроқарзлар) бўйича тўловларнинг энг юқори қийматларига доир талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори Адлия вазирлигида 2025 йил 22 апрелда 3618-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Мазкур низомда банкларга ўрнатиладиган макропруденциал нормативлар, шу жумладан қарз юки кўрсаткичи (DSTI), кредитнинг гаровга нисбати кўрсаткичи (LTV), кредитлар (микроқарзлар) кесимида тўпланиш (концентрация) коэффициентлари, шунингдек банклар томонидан бериладиган кредитлар (микроқарзлар) бўйича тўловларнинг энг юқори қийматларига доир талаблар белгиланган.

Хусусан, ушбу ҳужжат билан қарз юки кўрсаткичининг энг юқори даражаси белгиланмоқда, шунингдек қарз юки ҳисоб-китобида қарз олувчининг ўртача ойлик тўловлари ва ўртача ойлик даромадларини аниқлашга доир талаблар халқаро тажриба асосида такомиллаштирилмоқда.

Бундан ташқари, автомобиль сотиб олиш учун кредит ва ипотека кредитлари бўйича кредитнинг гаровга нисбати кўрсаткичига (LTV) қўйиладиган талаблар, шу жумладан кредитнинг гаровга нисбати кўрсаткичининг энг юқори даражалари, мазкур кўрсаткичлар ҳисоб-китобида кредит суммаси ва гаров қийматига доир талаблар белгиланмоқда.


Бундан ташқари, кредитлар (микроқарзлар) кесимида тўпланиш (концентрация) коэффициентлари, шу жумладан микроқарзлар, кредит карталари (овердрафтлар) ҳамда автокредитларнинг банкнинг жами кредит портфелидаги энг юқори улишларига доир талаблар белгиланмоқда.

Банкларнинг жами активлари таркибида юқори ликвидли активлар улушининг ортиши, шунингдек жами мажбуриятлар таркибидаги барқарор бўлмаган молиялаштириш даражасининг пасайиши банклардаги ликвидлилик бўйича заифликларнинг камайганлигига ишора бермоқда. Бундан ташқари, тижорат банклари балансида чет эл валютасидаги талаблар ва мажбуриятлар миқдори ўртасидаги фарқ қисқарган.

Банкларнинг жами активлари таркибида юқори ликвидли активлар улушининг ортиши, шунингдек жами мажбуриятлар таркибидаги барқарор бўлмаган молиялаштириш даражасининг пасайиши банклардаги ликвидлилик бўйича заифликларнинг камайганидан далолат беради. Бундан ташқари, тижорат банклари балансида чет эл валютасидаги талаблар ва мажбуриятлар миқдори ўртасидаги фарқ қисқарган.

Шунингдек, 2024 йил дастлабки ярим йиллигида банклар томонидан сотиб олинган ва сотилган чет эл валютаси ўртасидаги тафовут ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13 фоизга камайган. 2024 йил I ярим йиллигида тижорат банклар томонидан

жисмоний шахслардан сотиб олинган чет эл валютаси ҳажми қарийб 7,2 млрд АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг дастлабки ярмига нисбатан 31 фоизга ошган. Бунда, хорижий валюта талабига нисбатан таклифнинг юқориқ суръатларда ўсиши ички валюта бозорини барқарорлашишига хизмат қилмган.



1-расм. Банк тизими активлари ва мажбуриятларининг муддатлари бўйича таркиби¹, фоизда

Валюта сиёсати ва муносабатларини тартибга солишнинг бозор механизмларини жорий қилиш, республика экспорт салоҳиятини оширишни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи ва ички бозордаги рақобатдошлигини ошириш, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сонли фармони (2017) ушбу йўналишдаги устувор вазифаларнинг изчиллигини оширишга замин яратди.

Мазкур Фармон ўз моҳияти ва аҳамиятига кўра, валюта бозорини либераллаштиришнинг янги сифат босқичини белгилаб берди. Хусусан, резидент юридик шахслар жорий халқаро операциялар бўйича тўловларни амалга ошириш учун тижорат банкларида чет эл валютасини чекловсиз сотиб олишлари, резидент жисмоний шахслар чет эл валютасини тижорат банкларининг валюта айирбошлаш шохобчаларига эркин сотиши ва конверсион бўлимларида сотиб олинган маблағларни халқаро тўлов карталарига ўтказиш бўйича амалдаги тартибга асосан сотиб олиши ва чет элда ҳеч қандай чекловларсиз ишлатиши, истеъмол товарлари импорти билан шуғулланувчи юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорларга чет эл валютасини жисмоний шахслар учун ўрнатилган тартибда, банклардаги ҳисобварақлар орқали сотиб олишга, чет эл валютасида даромад олувчи юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, фермер хўжаликлари ўз банк ҳисобварақларидаги чет эл валютасини нақд кўринишида олишларига рухсат берилди. Шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча экспортчи корхоналарнинг чет эл валютасидаги тушумини мажбурий сотиш бўйича талаб бекор қилинди.

¹ <https://cbu.uz/upload/medialibrary/d96/>

Бундан ташқари, мазкур фармон тижорат банкларига хорижий валютада кредитлар бериш ва уларни ундириш шартларини ўз кредит сиёсатларидан келиб чиққан ҳолда томонларнинг ўзаро келишувига асосан мустақил белгилашга, банкларнинг хорижий валюта олди-сотдиси билан боғлиқ операциялар бўйича таваккалчиликлари тадбиркорлик таваккалчилиги ҳисобланиши ва уларни бошқариш тижорат банкининг мутлақ ваколатига кириши, хорижий валюта олди-сотдиси бўйича комисион воситачилик ҳақи миқдори тижорат банки томонидан мустақил белгиланишига ҳуқуқий асос яратди. Шунингдек, тижорат банкларига хорижий валютада операцияларни амалга ошириш бўйича лицензия бериш амалиёти бекор қилинди, яъни тижорат банкларининг хорижий валюта билан операциялари банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида амалга оширилиши белгиланди.

Банк тизимидаги мавжуд пул-кредит сиёсати инструментларининг такомиллашмаганлиги, валюта операциялари трансмиссион канали механизмларининг ривожланмаганлиги, Марказий банк ва тижорат банклари амалиётида риск-менежменти бўйича самарали тизимнинг йўлга қўйилмаганлиги, тижорат банклари мустақиллигининг етарли даражада таъминланмаганлиги, банклар фаолиятига маъмурий аралашувнинг юқорилиги, айниқса банклар томонидан ўз фаолиятига хос бўлмаган вазифалар билан шуғулланиши банк тизимининг таъсирчан имкониятларини чеклашга сабаб бўлаётгани.

Хусусан, Фармонда қуйидаги тўққизта масала юзасидан валюта бозорини янада либераллаштиришнинг устувор йўналишлари кўрсатиб ўтилган:

биринчи масала, юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг ҳоҳишига кўра эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини рўёбга чиқарилишини тўлиқ таъминлаш;

иккинчи масала, миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда фақатгина бозор механизмларини қўллаш;

учинчи масала, валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш, валюта бозорида барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспортни ривожлантиришдаги, минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги рағбатлантирувчи ролини ошириш;

тўртинчи масала, сифатли иш ўринлари ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бевосита рағбатлантириш учун иқтисодиётнинг барча секторларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, билим ва технологиялар жалб этишга хизмат қиладиган ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш;

бешинчи масала, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатъий монетар сиёсатни амалга ошириш, бу борада монетар инструментлардан фаол ва мослаштирилган ҳолда фойдаланиш, давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш, шунингдек, очиқ бозорда операциялар ҳамда давлат қимматли қоғозларини банклар ликвидлигига гаровга бериш бўйича операцияларни амалга оширишни амалиётга жорий қилиш;

олтинчи масала, монетар ва фискал сиёсатни мувофиқлаштириш ҳамда Давлат бюджетининг мутаносиблигини таъминлаш орқали пул массаси ҳаддан зиёд ўсишининг олдини олиш;

еттинчи масала, банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва унинг таваккалчиликларга бардошлилигини, шу жумладан, валюта сиёсатини либераллаштиришнинг вужудга келиши мумкин бўлган салбий таъсирини юмшатишга қаратилган самарали чораларни қўллаш ҳисобига ошириш;

саккизинчи масала, валюта сиёсатининг янги шароитларида таянч тармоқлар корхоналари самарали фаолият юритиши учун уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

тўққизинчи масала, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари турмуш даражасига валюта сиёсатини либераллаштиришнинг салбий оқибатларини камайтириш имконини берадиган ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қиладиган бўлсак, валюта сиёсати ва макроиқтисодий ривожланиш ўртасидаги алоқалар нафақат шу йўналишда танланган назарий таълимотга, унинг усул ва воситаларига, шу билан бирга макроиқтисодиётнинг бошқа секторлари бўйича танланган назарий таълимотлар, уларнинг усул ва воситаларига ҳам боғлиқ бўлади. Айнан мана шундай назарий таълимотларнинг бир-бирига мос келиши (уйғунлиги), уларда қўлланиладиган усул ва воситаларнинг тўғри танланиши мамлакатнинг ички ва ташқи макроиқтисодий мувозанатга эришиш кафолати бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тижорат банклари валюта курсларини кузатиш, уларни таҳлил қилиш ва миқдорларга самарали хизмат кўрсатиш учун тўғри маълумотларни таъминлаш ҳамда миқдорларнинг валюта алмашинуви, халқаро савдодаги эҳтиёжлари ва инвестиция стратегиялари ҳақидаги маълумотларни тўплашлари мақсадга мувофиқ.

Аҳоли ва хўжалик субъектларига валюта операцияларига оид имтиёзлар ва преференциялар бериш амалиётини такомиллаштириш; иккинчидан, такомиллаштирилиши режалаштирилаётган қонунчилик асосларини халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва талабларига мослаштириш, уларни иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари бўйича мувофиқлаштириш ва уйғунлигини таъминлаш; учинчидан, норма ижодкорлигида томонлар манфаатларининг ҳуқуқий паритетига эришишга алоҳида устуворлик бериш зарур.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Ачкасов А.И., Прексин О.М. (1988) *Международные валютно-кредитные отношения: два пути развития*. М.: «Финансы и статистика», стр. 3.

Жумаев Н.Х. (2007) *Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш*. –Т.: «Fan va texnologiya», - 232 б.

Ибрагимов Д.Р. (2010) *Дилинг операцияларини амалга оширишда валюта рискларини баҳолашни такомиллаштириш масалалари*. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Қўлёзма ҳуқуқида (УДК 336.76 (575.1). Тошкент, - 25 б.

Қонун (2019) *Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрда “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ЎРҚ-573-сон Қонуннинг янги таҳрири*.

Ражаббаев Ш.Р. (2008) *Ўзбекистон валюта сиёсатининг хорижий инвестицияларни жалб этишга таъсири*. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Қўлёзма ҳуқуқида (УДК 336.743 (575.1). –Тошкент, -20 б.

Расулов Т.С. (2007) *Валюта муносабатларининг назарий асослари*. –Т.: «Молия», -316 б.

Фармон (2017) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрь «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли Фармони*.

Фармон (2020) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 май куни қабул қилинган “2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони*.

Фриц Махлун. (2001) Теория валютного курса. Этот изменчивый обменный курс. Сборник статей. Пер. с англ. – Москва: Дело, стр. 28-30.

Хошимов Э.И. (2009) Ўзбекистон Республикасида валюта бозорини эркинлаштириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Қўлёзма ҳуқуқида (УДК 336.741.242.1 (575.1). Тошкент, - 23 б.